



Умиджон СУЛАЙМОНОВ,  
“Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари

Конституция – догма эмас. У ҳам замонавий ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳамоҳанг тарзда такомиллаштирилиб борилмоғи зарур. Агар дунё конституциявий амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги 30 йилликда 90 га яқин давлатда демократик конституциявий ислохотлар амалга оширилиб, уларнинг 53 тасида янги конституциялар қабул қилинганлигини кўрамиз.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР —

адолатли жамиятни барпо этиш ва инсон қадрини юксалтириш сари



Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар юз бераётган айна кунларда «Адолат» СДП томонидан жойларда, партиянинг турли бўғинларида, республикамиздаги турли вазирлик ва ташкилотларда фаоллар, ёшлар ва хотин-қизлар иштирокида конференциялар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, фуқароларимизга кун тартибидagi асосий масала юзасидан атрофича маълумот бериш баробарида, уларнинг фикр ва таклифлари ўрганилмоқда.

Айни шу мақсадда партия Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида “Конституциявий ислохотлар – инсон шаъни ва кадр-қиммати учун” мавзусида тадбир ташкил этилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг қўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда мамлакатимиздаги сийёсий ислохотларда фуқароларимизнинг хоҳиш-истакларини акс эттириб, ташаббускорлигини таъминлаш, қолаверса, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасидаги таклифларини ўрганишни мақсад қилган ушбу тадбирда Жамоат хавфсизлиги университети раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва курсантлар, “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати ходимлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Узаро савол-жавоблар, мунозараларга бой бўлган тадбирда партия фаоллари фикр-мулоҳазалари тингланиб, давлат ва жамият тараққиётига дахлдор қатор таклифлари олинди.

**Жамоат хавфсизлиги университети махсус факультети бошлиғи Ойбек ТУРГУНОВ:**

– Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад Конституциямизга киритилаётган ўзгартиришларга давлат ва жамият ривожига дахлдор таклифларни тақдим қилишдан иборат. Биламизки, «Адолат» социал-демократик партияси жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий эркинликларини мустаҳкамлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бугун партия билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбиримизда муҳим таклифлар ўртага ташланди. Улардан бири, Конституцияга «жамоат хавфсизлиги» тушунчасини киритиш орқали Бош қомусимизнинг замон билан ҳамнафас бўлишини таъминлашга эришишдир. Биламизки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий эркинликларини мустаҳкамлаш, ҳар бир инсоннинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шундай экан, юқорида тақлиф этилаётган норманинг Конституциямизда белгилаб қўйилиши бугунги давр учун жуда ҳам ўринли бўлиши билан бир қаторда, жамоат хавфсизлиги тушунчаси, жамоат хавфсизлигини амалга оширувчи субъектлар, уларнинг мақсад ва вазифалари, албатта, конституциявий жиҳатдан янада мустаҳкамлашига эришилади, деб ўйлаймиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни «Менинг конституциям» платформаси қабул қилаётганлиги тўғрисида сўз юритилиб, фуқаролар ўз фикр-мулоҳазаларини нафақат онлайн платформага, балки маҳаллар, халқ депутатлари Кенгашлари, 1341 call-маркази, почта, шу жумладан, электрон почта ҳамда телеграм махсус боти — @meningkonstitutsiyam\_bot орқали юборишлари мумкинлиги ҳақида маълумотлар берилди.

“Адолат” СДП матбуот хизмати

Бундан хулоса қилиш мумкинки, муайян вақт ўтгандан сўнг давлатнинг Асосий қонунига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳаётий заруриятга айланиб боради. Мазкур жараён, айниқса, мамлакатимизда 2017 – 2022 йилларда ва “инсон қадрини юксалтириш” мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда конституциявий ислохотларнинг бошланишини куйидаги асосий омиллар ва сабаблар тақозо этди десак, муволафа бўлмайди:

**биринчи сабаб, илгари амалда бўлиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойилини “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартириш зарурияти мазкур ислохотларнинг бошланишига бирламчи асос бўлди, десак муволафа бўлмайди;**

**иккинчи сабаб, мамлакатимиз тараққиётининг сўнги йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида юзага келган янги ижтимоий муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш. 2017-2022 йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида барча соҳаларни рақамлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Тан олиб айтиш керакки, бугунги кунимизни рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, бугунги тараққиётимизнинг асосини рақамли иқтисодиёт, рақамли туризм, рақамли суд, рақамли давлат хизматлари каби тушунчалар ташкил этаётганлиги айни ҳақиқат;**

**учинчи сабаб, сўнгги йилларда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш борасида жорий этилган янги механизмларни Бош қомусимизда мустаҳкамлаш зарурияти. Маълумки, мулкдор бўлиш ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқларидан биридир. Шу сабабли, мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада қафолатли тизим жорий этиш ва ҳар қандай шароитда ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади;**

**тўртинчи сабаб, экология ва атроф табиий муҳитнинг софлигини сақлаш, уни келажак авлодга беэвоёл етказиш борасидаги улғувор мақсадларни Конституцияда белгилашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда;**

**бешинчи сабаб, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги давлат томонидан яратилиб берилган қафолатлар тизимини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ҳам Бош қомусимизга тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш заруратини юзага келтирди.**

### Фракция йиғилиши

## Хотин-қизларнинг таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиниши таъминланади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2061-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чикдилар.

## Йўл патруль хизмати ходими сизни тўхтатганда нималарни БИЛИШИНГИЗ ЗАРУР?



## Илм-маърифатга бешик бўлган юрт

Милодий эранинг VIII асри бошларидаги араблар босқини Ўрта Осиё халқлари, жумладан, мамлакатимиз аҳолиси учун оғир кечди. Араблар аҳамонийлар, юнон-македонлар сингари босқинчилар юртимизни босиб олиш, унинг бойликларини талаш, заманимизга эгалик қилиш билангина чекланиб қолмадилар. Улар бу халқларнинг минглаб йиллар давомида шаклланган ҳаёт тарзини, анъаналарини, эътиқодларини ўзгартиришга киришдилар. Онгини эгаллашга интидилар. Лекин бу осон жараён эмасди.



## Хотин-қизларнинг таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиниши таъминланади

1 Йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунга қарамастан, жамиятимизда таъйиқ ва зўравонлик учраётган хотин-қизларнинг сони ортиб бормоқда.

Таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир эттишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талаблари бажарилмаганлиги ҳамда улар томонидан такрорий таъйиқ ҳолатлари содир этилаётгани қайд этилмоқда.

Ўз ўрнида, таъйиқ ва зўравонлик учраётган хотин-қизлар сонининг ошиши ҳамда айрим шахслар томонидан ҳимоя ордери талаблари бажармаслик ҳолатлари мазкур йўналишларда жавобгарлиқни кучайтириш заруриятини юзага келтираётганлиги таъкидланди.

Жумладан, қонун лойиҳаси ташаббускорлари томонидан қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан хотин-қизларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ўтказилишининг олдини олиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси" 2061-моддасининг санкциясида белгиланган жазима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача оширилиши назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг амалиётга жорий этилиши ҳимоя ордери

талаблари бажарилишига, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилиши депутатлар томонидан ҳам алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, фракция йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Маърузада таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон ҳамда 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон фармонлари, 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сон ва 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунчиликдаги "Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси" деган сўзлар "Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари" деган сўзлар билан алмаштирилмоқда.

Шунингдек, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуннинг 131-моддаси биринчи қисмига тегишли ўзгартиш киритган ҳолда қонуннинг қолган моддаларидаги атамалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2021 йил 2 апрелдаги "Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш буйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5050-сон қарори билан Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари бошқарма-босқич ташкил этилиши белгиланган эди. Шу боис, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун янги 151-модда (Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани) билан тўлдирилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат хавфсизлиги йўналишида кўрилаётган чораларнинг натижалари танқидий муҳокама қилиб борилишига, иш самарадорлигини ошириш буйича тавсиялар ишлаб чиқишига, айрим атамаларнинг тўғри қўлланилишига хизмат қилиши қайд этилди.

Фракция аъзолари томонидан берилган саволларга қонун лойиҳаси ташаббускорларининг тегишли жавоблари олиниб, мазкур қонун ижрочиларга етказилиши ҳамда қонун моҳияти ва аҳамияти ҳақида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш тартиби буйича тўлиқ маълумот берилди.

Йиғилишда муҳокама этилган қонун лойиҳалари буйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва муносабатлар билдирилди ҳамда кун тартибидagi масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Адолат» СДП матбуот хизмати

### Конференция

# САЙЛОВЧИЛАР ХОҲИШ-ИРОДАСИ

## ЗАМОН ТАЛАБИ



Айни кунларда халқимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеалар – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига замон талабларидан, фуқароларимиз истак ва хоҳишларидан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали уни янада такомиллаштиришга қаратилган демократик ислохотлар юз бермоқда.

Мазкур жараёнларда «Адолат» СДП томонидан жойларда, партиянинг турли бўғинларида, республикамиздаги турли вазирлик ва ташкилотларда, таълим муассасаларида фаоллар, ёшлар ва хотин-қизлар иштирокида конференциялар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, «Адолат» СДП Марказий аппарати ташаббуси билан Республика Бош прокуратура Академиясида «Конституциявий ислохотлар – сайловчилар хоҳиш-иродаси, замон талаби» мавзусида конференция ўтказилди.

Конференцияда Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида белгиланган кенг қўламли вазибаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда мамлакатимиздаги сиёсий ислохот-

ларда фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларнинг фаоллигини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш буйича уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва таклифларини олиш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси бошлиғи Евгений Коленко кириш сўзи билан очиб, Бош қомусимизга замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали уни янада такомиллаштириш Ўзбекистон дунёнинг ривожланган демократик давлатлари сафидан ўрин олишида муҳим омили бўлишини таъкидлади ҳамда йиғилганларни мазкур муҳим ва масъулиятли жараёнда фаол бўлишга чақирди.

Тадбир давомида «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раис ўринбосари Умиджон Сулаймонов Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдаги муҳим вазибалар тўғрисида сўз юритиб, давлатимиз ва жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришлар қаторида Конституция ҳам мамлакат ривожига монанд равишда, халқнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда такомиллаштириш бориши зарурлиги ва шундангина Бош қомуснинг хоҳиш-иродасини ўзида тўлақонли акс эттири олиши борасидаги фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Шунингдек, Республика Бош прокуратура Академияси бошлиғи ўринбосари, профессор Музаффаржон Мамасиддиқов ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Полвонов томонидан Конституциявий комиссиянинг йўзма ахборот-таҳлил гуруҳи таркиби фаолиятини ҳақида ва Конституциямизга киритилиши илгари сурилаётган қатор таклифлар борасида маълумот берилди.

«Адолат» СДП матбуот хизмати

### Депутат аралашгач

## Кенг ва раён йўлларга нима етсин

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоевнинг хонқалик сайловчилар билан учрашувларидан биринчи тўқнамада "Знахос" маҳалласидаги йўлнинг таъмиртаълабига сабаб узок-яқиндан келувчи зиёратчилар ҳамда йўловчилар учун тугилаётган муаммолар аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётгани тўғрисидаги муҳокама бўлган.

Депутат мазкур муаммо юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Автомобиль йўллари қўмитасига қилган муҳокамага асосан, айни кунларда Хонқа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан "Знахос" маҳалласидаги 1,2 километр узунликдаги ички хўжалик йўллари асфальт ётқириш ишлари олиб борилмади.

Энди аҳоли йўл муаммосидан азият чеқмайдиган, кенг ва раён йўлларда ҳаракатланадиган бўлди.



Депутат аралашуви билан туманда бу каби муаммоларни бартараф этиш ишлари давом этмоқда.

Замира АБДУЛЛАЕВА,  
Хоразм вилояти кенгаши матбуот котиби

### Худудий кенгашларда

## Сарҳисоб ва режалар

"Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидagi фракциясининг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва 2022 йилдаги асосий вазибаларни мавзусида мажлис ўтказилди. Унда партия Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва маҳаллий Кенгаши депутатлари, туман (шаҳар) Кенгаши ходимлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Мажлиси «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Н.Қаипбергенов очиб берди.



Ўтган 2021 йил давомида кўзда тутилган устувор вазибаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган партиявий лойиҳалар доирасидаги амалий ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг натижасида партиянинг аҳоли орасига кириб бориши ва халқ билан бевосита мулоқот ўрнатиши таъминланди.

Тадбир давомида «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидagi фракцияси раҳбари Д.Қурбаниязов сўзга чиқиб, ўз маърузасида фракциянинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва 2022 йилдаги асосий вазибаларига тўхталиб, Жумладан, фракция томонидан 2021 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидagi қўмиталари мажлисларига 6 та ва сессиялари кун тартибига 3 та масала киритилган. Депутатлар томонидан сайловчилар билан жами 10 марта учрашувлар ташкил этилиб, сайловчилар муносабатлари асосида ҳокимликлар ва мутасадди

корхона-ташкilotлар раҳбарларига 17 та депутатлик сўровлари юборилиб, мазкур сўровлар ўзининг ижобий ечимларини топган.

Фракция аъзолари томонидан жорий йил сессиялар кун тартибига 2 та масала киритилган бўлиб, учрашувлар давомида билдирилган таклиф ва муносабатлар асосида 8 та депутатлик сўровлари чиқарилди. Юқоридаги кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда, партия худудий Кенгеси раиси томонидан партия фракцияси фаолиятига таҳлилий-танқидий нуқтаи назардан ёндашилиб, хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида йўл қўйилган хато ва камчиликлар билан бир қаторда амалга оширилган ижобий ишлар ҳам таъкидланди, партия лойиҳалари доирасида сезиларли даражада самарали натижаларга эришилгани қайд этилди.

Хусусан, хотин-қизларни иқтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Адолат»

СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидagi фракцияси аъзолари Нукус шаҳридаги «Аёллар муруват» уйда бўлиб, иқтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизларнинг ҳолидан хабар олди.

Партиянинг «Бор меҳримиз, сенга болажон!» шiori остида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni муносабати билан Республика қон қуйиш станциясида ўтказилган акцияда барча даражадаги депутатлик корпуслари фаол иштирок этди.

Тадбир якунида таклиф ва мулоҳазалар тингланиб, депутатлик гуруҳларининг иш фаолиятини янада жонлантиришга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Дауытбай КУРБАНИЯЗОВ,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Жўқорги Кенгеси депутати,  
партия фракцияси раҳбари

## ЁШЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ТАРАФДОРИМАН

Кейинги йилларда партияимиз фаолиятида Янги Ўзбекистон тарақиёт стратегияси доирасида илгари сурилаётган кенг қўламли вазибалар, "Инсон кадр учун" тамойили асосида адолатли ва халқарвар давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бош қомусимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши келгусида мазкур эзгу мақсадларнинг аҳамиятини янада оширади.

Конституциямизга ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия тузилиб, комиссия ўз фаолиятини «Жамият – ислохотлар ташаббускори» деган гоя асосида олиб бормоқда ва аҳоли томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар комиссиянинг таклифлар билан ишлаш гуруҳи томонидан кўриб чиқилмоқда.

"Адолат" СДПдан сайланган депутатларнинг аксарияти ёшларни ташкил қилади. Уларнинг барчаси турли соҳаларда фаолият юритиб, ўз тенгдошларига қўмақдош бўлиб келмоқда. Энг муҳими, улар ҳаракат ва интилишда.

2020 йилда мамлакатимизда ташкил этилган Ёшлар парламенти аъзо бўлганимизда мен учун яна бир билимлар эшиги очилган. Чунки парламент фаолияти ва қонун ижодкорлиги буйича би-

лимишни ошириш ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, иқтидорларни аниқлаб, ўз мақсадлари сари дадил одимлашга қўмақлашиш, мотивация бериш сингари вазибалар зиммамга юклатилган. Мазкур ишларни амалга ошириш давомида қўллаб қонун ҳужжатларини ўқиш, уларни таҳлил қилиш, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини оширишга тўғри келди. Назаримда, дунёқарашим кенгайди, салоҳиятим ошди.

Мен эртаимиз эгаси бўлган ёшларнинг имконият ва масъулиятини янада ошириш тарафдориман. Асосий қонунимизга кирити-

ладиган ўзгаришларда ҳам аҳолининг 60 фоизга яқинини ташкил этувчи ёшларнинг билим олиш, ўз иқтидорларини намойиш этиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари янада кенгайтирилиши, айниқса, иқтимоий таъминотга муҳтож йигит-қизларга алоҳида ург берилиши мақсадга мувофиқдир.

Абдувахоб ТАВАККАЛОВ,  
Олий Мажлис Сенати  
ҳузуридаги Ёшлар парламенти  
аъзоси



# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР —

## адолатли жамиятни барпо этиш ва инсон қадрини юксалтириш сари

1 Хусусан, Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда халқро стандартларга тўла жавоб берувчи таълим тизими жорий этилганлиги, жамиятнинг ёшлар қатламини ҳар жиҳатдан баркамол авлод сифатида вояга етиши учун амалга оширилаётган бугунги кенг кўламли ислохотларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини белгилаш гоят муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан ташқари, Бош қомусимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун давлат ва жамият бошқарувида маҳалла институти ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларнинг мақоми янада мустаҳкамлаш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам сабаб бўлганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Маълумки, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 16 мартаба турли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бироқ Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича бошланган янги конституциявий ислохотлар олдингиларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

**Биринчи фарқли жиҳати;** аввало, ҳозирги конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти кенг қамровли бўлиб, **Конституциянинг барча бўлимлари, боблари ва моддаларини кенг муҳокама қилиш асосида** амалга оширилмоқда. Буни жорий йилнинг 26 май кунидан эътиборан фуқаролардан таклифлар олиш жараёнининг бошланиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин;

**Иккинчи фарқли жиҳати;** Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича амалга оширилаётган ҳозирги ислохотлар **“жамият ислохотлар ташаббускори”** деган эзгу гоёга асосланган ҳолда олиб борилмоқда;

**Учинчи фарқли жиҳати;** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёни **замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан самарали фойдаланган** ҳолда амалга оширилмоқда. Мазкур ҳолат ҳам Бош қомусимизда белгиланган **“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир”** деган олтин қонданнинг ҳаётлигини исботламоқда.

Яратилиб берилган мазкур имкониятлардан “Адолат” СДП жамоаси ҳам унумли фойдаланмоқда. Таклиф бериш жараёни бошланган-

дан то ҳозирга қадар “Адолат” СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда партия тизимидagi ҳодимлар ва фаол ёшлар томонидан **500 дан зиёд** таклифлар турли манбалар орқали Конституциявий комиссияга юборилганлигини айтиш жоиз.

Шу ўринда, “Адолат” СДП жамоаси партиянинг устувор мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат ва жамият бошқарувининг барча соҳаларида адолатни қарор топтириш, коррупция иллатига қарши муросасиз кураш олиб бориш, адолат ва одил судловни амалга ошириш, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Бош қомусимизда қуйидаги муҳим масалалар ўз ифодасини топиши керак, деб ҳисоблайди:

**Биринчи таклиф:** Конституциянинг 7-моддаси иккинчи қисмидаги **“манфаатларини кўзлаб”** деган сўзлардан кейин **“ижтимоий адолат таъминлашга таяниб”** деган сўзларни киритиш. Мазкур таклифнинг моҳиятида Янги Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини амалга ошириш ижтимоий адолат таъминлашга асосланган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилаётганлиги билан аҳамиятлидир;

**Иккинчи таклиф:** Конституциянинг VII бобида **“Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга”** эканлигига доир нормани белгилаш таклиф этилади. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 14-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг ҳар қандай ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиги, шаъни ҳамда қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовулардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Юридик шахслар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга” эканлиги белгиланган. Мазкур норма Бош қомусимизда умумий характердаги норма сифатида белгиланган мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз;

**Учинчи таклиф:** партия тизимидаги фаол ёшларнинг ташаббусларига асосан Конституцияда **“Ёшлар” деб номланган янги бобни киритиш** ва унда ёшлар Ўзбекистоннинг энг катта ва бебаҳо бойлиги экан-

лиги, ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, ёшлар учун давлат томонидан яратиб берилаётган кафолатлар тизimini белгилаш таклиф этилади. Аҳолисининг қарийб 57 фоизини ёшлар ташкил этадиган Янги Ўзбекистоннинг Асосий қонунда ёшларга аталган муҳим масалаларнинг белгиланиши долзарб аҳамият касб этади;

**Тўртинчи таклиф:** Конституциянинг 41-моддасида белгиланган таълимга оид нормани батафсил тарзда ифодалаш мақсадида Конституцияда **“Таълим”** деб номланган янги бобни киритиш, мазкур бобда мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим (профессионал таълим) ҳамда олий таълимга доир нормаларни алоҳида тарзда ифодалаш таклиф этилади;

**Бешинчи таклиф:** Конституциянинг олтинчи бўлими номи **“Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш”** деб қайта номлаш таклиф этилади. Миллий конституциявий амалиётимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Конституцияга ўзгартириш киритилиши билан бир қаторда, унга бир неча мартаба турли қўшимчалар ҳам киритилганлигини кўриш мумкин. Шу сабабли, Бош қомусимизга қўшимчалар киритилиш жараёнининг ҳам конституциявий-ҳуқуқий мақоми белгиланган мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар **қуйидаги ижтимоий жиҳатлари билан** халқимиз ва давлатимиз тараққиёти учун беқиёс аҳамиятга эгадир:

**Биринчидан,** мазкур ислохотлар, том маънода, “инсон қадри учун” деган эзгу тамойилнинг ҳаётда ўз ибботини топишига;

**Иккинчидан,** давлат ва жамият ишларини бошқаришда халқнинг хоҳиш-иродасини батамом қарор топтириш борасидаги демократик ислохотларнинг таъминлашга;

**Учинчидан,** адолатли ва одил судловни таъминлаш, замонавий ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми белгиланишига;

**Тўртинчидан,** Янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи янада ортиб, жонажон юртимизнинг ижобий имиджи янада юксалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бугунги кунда жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар билан бирга, Президентимиз таъбири билан айтганда, учинчи Ренессанснинг тўртта халқаси бўлган мактабгача таълим, мактаб, олий таълим ва илмий-тадқиқот соҳаларида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, амалдаги Конституцияимизнинг 41-моддаси 2-қисмида: **“Мактаб ишлари давлат назоратидадир”** деган қоида белгиланган бўлиб, ҳозирда таълим-тарбия йўналишида юз бераётган реал воқеликларни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги **“2030 йилгача фанни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва шу асосидаги “2030 йилгача фанни ривожлантириш концепцияси”** ижросининг келажақда тўлақонли конституциявий ҳуқуқий меъёрини яратиш мақсадида, мазкур модданинг 2-қисмини қуйидаги **“Мактабгача таълим ва мактаб ишлари мулк шаклидан қатъи назар давлат назоратидадир”**, деган тахрирда бериш зарур. Чунки ҳар иккала институт – мактабгача таълим ва мактаб ишлари бир-бирини тўлдирувчи таълим тусига эга ва улар бир-бирига узвий боғлиқ. Шунинг учун, биринчидан, Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятининг мақсади йўналишлари ва вазифалари ҳар томонлама Халқ таълими вазирлигининг вазифалари билан мутаносибликда давлат назорати остида олиб борилишини таъқозо қилади, иккинчидан, бу жараён Ўзбекистон ҳудудига **“Харакатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари”** дастурийлашма доирасида учинчи Ренессанс даврини барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган давлатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг самарасини таъминлаш ва қўллаётган натижаларга эри-



**Рустам РЎЗИЕВ,**  
Жамоат хавфсизлиги университети профессори,  
юридик фанлари доктори

шиш учун муҳим ҳисобланади. Шунда 41-модда мазмунининг тўлиқ ифодаси қуйидаги матнда бўлади: **“Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Умумий таълим ҳамма учун тенг ва bepул бўлиши кафолатланади. Умумий таълим мажбурийдир. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар болаларнинг умумий таълим олишлари таъминлайдилар. Хусусий мактаблар очиб ҳуқуқ кафолатланади. Хусусий мактаблар давлат рухсати билан очилади ва қонунларга тўлиқ амал қилади. Хусусий мактаблар фаолиятини тартибга солуви таъминлайди давлат мактаблари учун белгиланган стандартларга мувофиқ бўлиши қонун ҳужжатларида назарда тутилади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”**.

Бунинг мантқий давоми сифатида Конституция 42-моддаси **“Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва ахборот-техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади. Ҳар кимга илмий ва ахборот-техникавий ижод, кашфиёт ва иختиро эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар ким ёшидан ва маълумотида қатъи назар, ўз иштирога кўра, илмий изланишлар ўтказиши, иختиро ва кашфиётлар яратиш ҳуқуқига эга. Жамият ва давлат ҳаётида ижобий натижа келтирган илмий изланишлар, иختиро ва кашфиётлар давлат томонидан рағбатлантирилади, муносиб шарт-шароитлар яратиб берилди”** деган мазмун ва матнда ифодаланиши Конституцияимизни бойитишга хизмат қилади.



**Муборак УСМАНОВА,**  
Жамоат хавфсизлиги университети профессори,  
юридик фанлари доктори

Бугунги кунда бозор талаблари ва тамойилларининг ижтимоий ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётгани, иқтисодий ҳаётда хусусийлаштириш ролининг ортishi, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, шартномавийликнинг кенгайиши меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда янги моделларни ишлаб чиқиши таъқозо қилмоқда.

Жинорий таъқибга учраган, лекин адолатли суд муҳокамасида бўлган фуқаронинг ҳуқуқи **“HABEAS KORPUS”** деб номланади ва бу атама 1679 йил 26 май кунинг парламенти томонидан қабул қилинган қонун — **“Ҳабеас Корпус Акти”** атамасидан олинган. **“HABEAS KORPUS”** атамаси лотинчадан ўзбек тилига ўтирилганда **“танани, шахсини(судга) келтириш”** маъносини аниқлатади.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиясида, жумладан, “хабеас корпус” институти янада такомиллаштириш орқали судларнинг мустақиллиги ва холислигини ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида суд ҳокимиятининг ролини тубдан ошириш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш кўзда тутилган. Наники, инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига бўлган муносабат, унинг ҳуқуқий ҳимояланганлигининг ҳоқори даражаси — мамлакатда суд ҳокимияти шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш функциясини самарали амалга оширилаётганлигида кўринади.

Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги **“Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармони**га асосан, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят содир этишда гумон қилинган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтқа-

Таъкидлаш лозимки, ушбу чоралар дам олиш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга ҳам тўла тааллуқлидир. Шунга кўра, тараққиётимиз суръатларининг керакли даражада бўлишини таъминлаш учун ўзгартириш ва янгилаш жараёнларини узлуқсиз давом эттириш, олдимизда пайдо бўлаётган муаммо ва вазифаларни ўз вақтида ҳал этишимиз, Янги Ўзбекистонга ҳамда унинг тараққиётига жавоб берадиган янги қоидаларни ислохотларимиз мантқига мослаштириш кераклиги муҳим вазифага айланганлигидан далolat бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган бўлсада, дам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга оширишга тўқинлик қилиш орқали меҳнат ҳуқуқи нормаларини бузиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Суд амалиёти ҳали меҳнат таътилидан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузилишлар камайганлиги ва айрим нормаларни қўллашда ноаниқликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Давлат меҳнат инспекцияси томонидан 2021 йилда ўтказилган текширишлар ва ўрганишларда 52530 та меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш қонун талаблари бузилганлиги аниқланган. Шундан меҳнат таътиллари бўйича қонун талаблари бузилиши 4,89 фоизни ёки 2568 тани ташкил қилган.

Дам олиш ҳуқуқи инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқи сифатида қўллаб халқро стандартларда ўз аксини топган. Хусусан, ушбу ҳуқуқ **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”** (24-модда), **“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”** (8-модда), Европа ижтимоий хартияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг бир қатор конвенцияларида мустаҳкамланганлиги, шунингдек, Хитой, Япония, Германия ва бошқа давлатлар конституцияларида ўз аксини топганлигини эътиборга олган ҳолда, Янги Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизда юз бераётган барча ижобий ўзгаришлар ва эришяётган ютуқларимизни ўзида акс эттириши керак. Энг муҳими, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар нарсадан улуғ эканлиги ҳақидаги ғояларга асосланган бўлишига эришиш мақсадида **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “ҳар бир шахснинг дам олиш ҳуқуқига эга эканлиги, меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган ҳодимга қонунда белгиланган иш вақтининг давомилиги, дам олиш ва байрам кунлари, ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътилнинг кафолатлиниши”** масалалари ҳам ўз аксини топиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиясида, жумладан, “хабеас корпус” институти янада такомиллаштириш орқали судларнинг мустақиллиги ва холислигини ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида суд ҳокимиятининг ролини тубдан ошириш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш кўзда тутилган. Наники, инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига бўлган муносабат, унинг ҳуқуқий ҳимояланганлигининг ҳоқори даражаси — мамлакатда суд ҳокимияти шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш функциясини самарали амалга оширилаётганлигида кўринади.

Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги **“Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармони**га асосан, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят содир этишда гумон қилинган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтқа-

Ҳозирги вақтда қўллаб ривожланган давлатлар табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз Конституциясига экологияга оид махсус қондаларни киритмоқда. Чунки экологик хавф-хатарлар ҳозирги пайтда инсоният ва тирик мавжудотнинг қулай атроф табиий муҳитда яшаш учун глобал муаммолар, яъни экологик инқироз, экологик офат, экологик ҳалокатларни келтириб чиқармоқда.



**Мухаммад УСМОНОВ,**  
Жамоат хавфсизлиги университети профессори,  
юридик фанлар доктори

Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли хил касалликлар кўпаймоқда, тоза ичимлик суви танқислиги ривожланмоқда, “Қизил китоб”га киритилаётган ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Маълумки, инсон ўз фаолиятида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ қонунийларни эътиборга олиши ҳамда ҳозирги ва келажақ авлод манфаати йўлида табиатга ва унинг биологик ресурсларига зарар етказмаслиги талаб этилади. Ушбу талабни таъминлашни бугунги кунда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро мутаносиб уйғун ривожланишини кафолатловчи конституциявий нормаларсиз тасаввур этиш қийин. Демак, Конституция асосида тартибга солинадиган энг муҳим ижтимоий муносабатлар сирасига атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, яъни экологик муносабатлар ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгаришлар жараёнида бош гоя сифатида, энг аввало, атроф табиий муҳитнинг соғлиги, инсоннинг ҳаёти ва соғлиги учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи таъминланиши керак. Фуқаролар нормал ва соғлом ҳаёт кеңиришлари, меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун уларни ўраб турган атроф табиий муҳит – атмосфера ҳавоси, сув, ўсимлик дунёси, тупроқ тоза, инсон соғлиғига зарарли таъсир этмайдиган сифат ва ҳолатда бўлиши лозим. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилашга бағишланган иккинчи бўлимига **“Фуқаролар қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқига эга”**, тахриридаги алоҳида норма киритиш мақсадга мувофиқ (Фуқароларнинг бу ҳуқуқи Германия Федератив

Республикаси, Беларусь, Қозоғистон ва Туркия Республикалари Конституцияларида ўз ифодасини топган).

Конституцияга киритилаётган экологик муносабатларни тартибга солишга бағишланган қўшимча ва ўзгаришларда алоҳида норма сифатида экологик зарарнинг олдини олиш, яъни “ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишдан, бузилишдан, зарарланишдан, ориқлаб кетишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза этилишини давлат кафолатлайди”, мазмунидаги қоида ўрин эгаллаши лозим. Шунингдек, **“Давлат экологик мувозанатни, тирик табиатнинг турлари ва генетик фондни сақлаш, экологик хавфсизлигини таъминлашга кафолатлайди”**, тахриридаги алоҳида қоида ҳам Асосий қонунда ўз ифодасини топиши керак.

Экологик муносабатларни тартибга солувчи муҳим конституциявий қоидалар, қоридида айтилганлардан ташқари, ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан мулкчилик, хусусан, хусусий мулкчилик муносабатларини тартибга солишга қаратилиши зарур. Чунки табиат объектларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳаракатга келтирувчи драйвер ролини ўйнайди. Аввало, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захираларга нисбатан давлат мулкчилиги ўрнатилиши, хусусий мулкчилик эса баъзи табиат объектлари, масалан, томорқа ерлари, аҳолига хизмат кўрсатадиган бинолар (кафе, ресторан, сартарошхона, кичик ишлаб чиқариш бинолари, магазинлар) жойлашган ер участкалари, чет эл элчихоналари жойлашган ер участкалари, ер устига яқин жойлашган қазилма бойликлар, баъзи турдаги сувлар (қудуқ сувлари), ўсимлик (уй шароитида ўстириладиган барча ўсимлик дунёси) ва ҳайвонот дунёси (уйда боқиладиган ёввойи ҳайвон турлари) объектларига нисбатан ўрнатилиши лозим. (Табиат ресурсларига нисбатан хусусий мулкчилик Қозоғистон, Япония, Туркия, Россия давлатлари Конституцияларида ўз аксини топган).



**Любхон МУХАММАДИЕВ,**  
Жамоат хавфсизлиги университети профессори,  
юридик фанлари доктори

амалга оширилиши принципага ўтилиши юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришнинг туб мақсади фуқаролар шахсий эркинлиги кафолатларининг ҳаққоний амалга оширилишига, пировард натижада суд томонидан қонуний, асли ва адолатли қарорлар чиқарилишига олиб келади. Шу муносабат билан ҳуқуқий пойдевор ҳисобланган Конституцияимизда халқаро “хабеас-корпус” институти ўз аксини топса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Партия ташаббуси билан

ЮРТ КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОРЛИК

“Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши “Конституциявий ислохотларда ёшларнинг ўрни” мавзусида конференция ташкил этди. Тадбир Наманган муҳандислик-технология институтининг кичик мажлислар залда ўтказилди. Унда партия фаоллари, “Ёш адолатчилар” қаноти аъзолари, мазкур олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашдилар.

Конференциянинг асосий мақсади – Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг қўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда сиёсий ислохотларда ёшларнинг фаоллигини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар олиш эди. Иштирокчилар “Адолат” СДП На-

Мамлакатимизда юз бераётган ҳуқуқий-демократик ислохотлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида илгари сурилатган кенг қўламли вазифалар, хусусан, адолатли ва халқпарвар давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби улғувор мақсадлар асосида янги босқичга кўтарилмоқда. Ўз ўрнида мазкур эзгу ҳаракатлар тараққиётнинг зарур ҳуқуқий асосни таъминловчи конституциявий маконни янада такомиллаштириш эҳтиёжини пайдо қилади.

“Адолат” СДП Самарқанд вилояти кенгаши жараёнда фаол бўлишга чақирди. Шунингдек, тадбирда ҳеч бир ҳуқуқий ҳужжат “догма”, яъни тошга ўхшаб қотиб турмаганидек, Конституция ҳам мамлакат ривожига монанд равишда, халқнинг манфаатларини тўлиқ кўзлаган ҳолда такомиллаштириб бориши зарурлиги ва шундагина Бош қомус халқнинг хоҳиш-иродасини ўзида тўлақонли акс эттира олиши таъкидланди.

Эрта тонгда туман тиббиёт бирлашмасига ташриф буюрган партия фаоллари партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов бошчилигида “Тиббиёт соҳасидаги ислохотлар аҳолининг ҳаётдан розилиги, эл-юртимиз тараққиётига хизмат қилсин” шиори доирасида соҳада амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишдилар, соҳа ходимлари томонидан билдирилган мавжуд муаммо ва таклифларни тингладилар.

Шундан сўнг “Конституциявий ислохотлар партияимиз дастурий мақсадларига мос келади” мавзусида давра суҳбати бошланди. Тадбирда “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳамда ҳудудий, маҳаллий кенгашлари ходимлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, партиянинг “Ёш адолатчилар” қаноти ҳамда “Аёллар қаноти” фаоллари, жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов сўз олиб, Бош қомусимизга замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали уни янада такомиллаштириш Ўзбекистон дунёнинг ривожланган демократик давлатлари сафидан ўрин олишида муҳим омил бўлишини таъкидлади ҳамда йиғилганларни мазкур муҳим ва ма-

рингиз бор, биз сизлардан таклиф олгани келдик, уларни тегишли жойларга етказамиз деб келганларига хурсанд бўлдик, – деди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Улуғбек Шамсиев. – Бош қомусимизнинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги қайд этиб кўйилган. Қўшимча сифатида, ота-она томонидан йўл қўйилган баъзи хатолар фарзандлар келажагига таъсир этмаслиги, улар бу ҳолат учун жавобгар эмаслиги қонун йўли билан му-

Таклифингиз БОРМИ?



стаҳамлаб кўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўзаро савол-жавоблар, мунозараларга бой бўлган тадбирда партия фаоллари ва илгорларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, давлат ва жамият тараққиётига дахлдор қатор таклифлар олинди. Туман тиббиёт бирлашмаси қошида партия бошланғич ташкилоти ташкил этилиб, сафимизга янги аъзолар қабул қилинди.

Қўработ туманининг “Пангат”, “Булоқбоши”, “Болғали” маҳалла фуқаролар йиғинларида ушбу тадбирнинг узвий давоми сифатида фуқаролар билан юзма-юз учрашувлар ташкил этилиб,

таклиф ва мурожаатлари тингланди. – Жаҳон ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳа-

Бир сўз билан айтганда, Қўработ туманида аҳоли билан юзма-юз самийи мулоқот қилиб, улардан таклифлар олинди. Ногиронлиги бор, кам таъминланган хонадонларда бўлиб, уларга озик-овқат маҳсулотлари улашдик. Партиянинг эсдалик совғаларини топширдик. Уларни қийнаётган мурожаатларни қайд этиб, маҳаллий, ҳудудий, қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз орқали кўтарилган масалаларига ечим топишга қўмақлашини режалаштириб олдик. Қувонарлиси, олис ҳудудда яшаётган бўлса-да, ҳеч бир фуқарода олиб борилаётган ислохотларга бефарқликни кўрмадик.

Муhiba БАБАБЕКОВА, “Адолат” СДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати

манган вилоят кенгаши раиси Исроилжон Жўраевнинг “Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдаги муҳим вазифалар тўғрисида”ги маърузасини тинглади. “Конституциявий ислохотларда ёшларнинг ўрни” ҳақида эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси, “Келажак лидерлари” клуби аъзоси Абдулбосит Собирхонов гапирди.

Конференцияда, шунингдек, Янгиқўрғон туманидаги 61-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Гулчеҳра Усмонова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси Нозима Акбарова, “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ерқиной Ҳожиматова, партиянинг Учқўрғон туман кенгаши раиси Нигора Болтабоева ва бошқалар кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

– Конференция иштирокчиларнинг фаоллигида ўтганлиги ҳаммамизни мамнун этди, – дейди Наманган муҳандислик-технология институти профессори, партияимиз фахрийси Хамид Аҳмадхўжаев. – Демак, мамлакатимизнинг Асосий қонунини янгилаш бўйича ташаббус ҳеч қимми бефарқ қолдирмаган. Айниқса, Ёшлар парламенти аъзоси Абдулбосит Собирхоновнинг фикрлари ўринли бўлди. Унинг оила, таълим-тарбия, экология масалалари бўйича берган таклифлари кўпчилиikka маъқул тушди. Унинг тенгдошларини мазкур сиёсий жараёнда фаол қатнашишга чорлагани ҳам эътиборимизни тортди.

Конференцияда билдирилган барча таклиф ва мулоҳазаларни Конституциявий комиссияга жўнатишга қарор қилинди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Ҳуқуқингизни биласизми?

Йўл патруль хизмати ходими сизни тўхтатганда



БИЛИШИНГИЗ ЗАРУР?

Йўл патруль хизмати ходими томонидан транспорт воситалари қандай асосларга кўра тўхтатилиши мумкинлигини билиш зарур: ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг (кейинги ўринларда қоидалар деб аталади) бузилиши визуал кузатувда аниқланганда ёки махсус мослама ёрдамида қайд қилинганда; транспорт воситаси, ҳайдовчи ёки йўловчи қидирувда эканлиги, йўл-транспорт ҳодисаси ёки бошқа ҳуқуқбузарликка алоқадор эканлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда; йўл-транспорт ҳодисаси ҳуқуқбузарлик содир этилганини кўрган ҳайдовчи ёки йўловчидан ҳодиса тафсилотига оидинлик киритиш зарурати юзага келганда;

ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатини чеклаш ёки таъқиқлаш бўйича кўрсатмаларини бажариш жараёнида; транспорт воситасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш зарурати юзага келганда (чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналари ва бошқа ваколатхоналари ва, халқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари ҳамда махсус мўлжалланган транспорт воситалари бундан мустасно); махсус тадбирларни ўтказиш жараёнида; транспорт воситасидан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини берувчи, шунингдек, транспорт воситаси ва олиб кетилаётган юкларга оид ҳужжатлар мавжудлигини текшириш учун (махсус ва ҳарбий юклар, божхона расмийлаштирувдан ўтказилиб, божхона хизмати томонидан пломбаланган юклар бундан мустасно);

Шуни ёддан чиқармангки, ЙПХ ходими томонидан бошқа асосларга кўра транспорт воситаларининг тўхтатилиши таъқиқланади. Яна эсдан чиқармаслик лозимки, Йўл патруль хизмати ходими сизга “Сиз” деб мурожаат қилишга қонунан мажбурдир.

Энг асосийси, йўл ҳаракати қатнашчилари (асосан ҳайдовчилар) Йўл патруль хизмати ходимлари билан ўзаро муносабатларда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ЙПХ ходими томонидан тўхтатиш асосларини, қоидаларини қайси банди(бандлари)ни бузганлиги тўғрисида тушунтириш берилишини талаб қилиш; транспорт воситасини тўхтатган ЙПХ ходимдан ўзини таништиришини, хизмат гувоҳномасини кўрсатишини ва кўкрак нишон белгисини маълум қилишини талаб қилиш; хизматни мобил видеокамерасиз олиб бораётган ЙПХ ходимга ҳужжатларни тақдим этмаслик; айрим ҳоллардан ташқари транспорт воситаси кабинасидан чиқмасдан, ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатга киришиш; содир этган қоидабузарлиги қайд этилган махсус мослама натижалари билан танишиш; ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқлашда фойдаланилган махсус воситаларнинг қиёслаш сертификатларини кўрсатишини талаб қилиш; ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тушунтиришлар бериш; асосий тўхтатиб турилмаслигини талаб қилиш; ЙПХ ходими томонидан транспорт воситасини ёки ундаги юкни ташқи кўздан кечириб жараёнда иштирок этиш; ўзига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари билан танишиш, улардан ўз ҳисобидан нусха кўчириш ёки уларни фотосуратга олиш; ЙПХ ходимининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, расмийлаштирилган ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома ҳамда чиқарилган қарор устидан юқори турувчи орган(мансабдор шахс)га ёки судга шикоят қилиш; ўзи гувоҳи бўлган ҳодиса ҳақида ЙПХ ходимига ҳаққоний маълумотни баён қилиш.

Агар санаб ўтилган ҳуқуқларингизни билиб қўйсангиз, шу пайтгача амалга оширмасдан келган кўплаб ҳуқуқларингиз борлигини тушуниб, келажакда ундан фойдаланишга, албатта, ҳаракат қиласиз.

Шуни эсдан чиқармаслик кераки, сизга нисбатан чиқарилган қарор устидан ҳар доим судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Саламат ТУРЕМУРАТОВ, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

Партия назорати

НЕГА ДОРИЛАР

ҳар хил нархда сотиляпти?



Соғлигининг ёмонлашганини сезган бемор борки, шифокорга мурожаат қилади. Керакли дориларни ёддириб олгандан сўнг уларни харид қилиш учун дорихонага ошиқади. Кишини тааж-жубга соладиган томони шундаки, бемор харид қилмоқчи бўлган дори-дармонлар дорихоналарда ҳар хил нархда сотиляпти. Нега?..

“Адолат” СДП Қашқадарё вилоят ва Шаҳрисабз шаҳар кенгаши томонидан Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмасида “Дори воситаларининг ноқонуний айланганининг олдини олиш, нархларнинг барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг шифокор рецептисиз сотилишига барҳам бериш” мавзусидаги тадбирда ана шу саволга жавоб изланди.

– Мунтазам равишда дорихоналарда бўлиб, дори-дармонларнинг белгиланган нархларда сотилишини назорат қилиб бораман, – деди тадбирда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Руиддин Раупов. – Бироқ бу етарли эмас. Нарх-навоми назорат қилувчи ташкилотлар ҳам бу борада фаол бўлиши лозим. – Мен бу ҳолга кузатишларим давомида кўп марта гувоҳ бўлган-

ман, – деди партия фаоли Дилрабо Темирова. – Дорихоналарда сотилаётган дори-дармонлар нархи барқарорлашмаган. Бунинг устига дориларни сақлаш шароитига ҳам умуман риоя этилмайдди. Масалан, 15-20 даража ҳароратда сақланиши керак бўлган дорилар 30-35, ҳатто ундан ҳам юқори ҳароратда сақланаяпти. Бунга ким жавоб беради?.. Оқибатда эса халқимиз ана шу сифати бузилган дорилардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун дори-дармонлар сақланишини, сифатини назорат қилувчи масъуллар жавобгарлигини ошириш керак.

– Кунни кеча Қариш шаҳридаги унга яқин дорихонада бўлиб, “Полижен” витамини нархи билан қизиқдим, – деди тадбирда сўзга чиққан пар-

тия фаоли Самариддин Зайнуллоев. – Тўғриси, узим ҳам ҳайрон қолдим. Бир дорихонада “Полижен” 97 минг сўм турган бўлса, бошқасида 77 минг сўм, яна бошқасида эса 101 минг сўмдан сотиляпти.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилаётган видеоселектор йиғилишларида дори воситаларининг ноқонуний айланганининг олдини олиш, нархларнинг барқарорлигини таъминлаш борасида аниқ қўрсатма ва йўл-йўриқлар берилаяпти. Бироқ жойлардаги мутасадди идоралар масъулари томонидан бу масала етарлича назорат қилинмаяпти. Тадбирда шулар ҳусусида ҳам сўз юритилди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан назорат қилувчи ташкилотлар масъулларига тегишли вазифалар юклатилди. Вилоятдаги, хусусан, Шаҳрисабз шаҳри ва туманида фаолият олиб бораётган дорихоналардаги аҳолини қисқа мuddат давомида тартибга келтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

### БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

Муаррихлар маълумотида, ўша пайтда фақат Гурганж шаҳрининг ўзида 700 дан ошдиқ мадрасада таълим берилган, кўплаб кутубхоналар ташкил қилиниб, илм-фан ахли учун хизмат қилган. Хоразм Маъмур академияси тарихда жуда оз муддат, тахминан 15-20 йил ораллида фаолият юритган бўлса ҳам жаҳон илм-фанининг тараққиёти учун катта хисса қўшди. Хоразм Маъмур академияси даврида бошланган маданий, маънавий юксалиш X-XII асрларда ҳам давом этди. Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлатида ташкил этилган “Хикматлар уйи” ярим асрдан ошдиқ вақт давомида бу юртининг илмий шухратини оламга таратди. Шу билан бирга бу “Хикматлар уйи”нинг илмий-маърифий марказлари Хоразмдан ташқари, Хоразмшоҳлар салтанатига қарашли Марв, Исфохон, Бухоро, Самарқанд, Дабусия, Ахсиқент, Термиз, Балх, Ғазна, Нишопур, Наса, Рай, Ҳамдон, Жанд каби шаҳарларда ҳам мавжуд бўлган. Умуман олганда, IX-XII асрлар Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон, яъни Урта Осиё худудидаги давлатлар ва халқлар учун ҳам дунёвий илмларда, ҳам диний илмларда юксак тараққиёт нуқтаси — Шарқ Ренессанс сифатида тарихга муҳрланган.

# Илм-маърифатга бешик бўлган юрт



Иккинчи мақола

IX-XII асрларда Урта Осиёда илм-фан ва маънавиянинг юксалиши нафақат алломаларнинг кўплаб етишиб чиқиши, илмий асарларнинг яратилиши, илмий марказлар, маърифат даргоҳлари, академияларнинг пайдо бўлиши мисолида, балки шахарсозликнинг ривожланиши, меъморчиликнинг тараққиёти, бунёдкорликнинг кучайишида ҳам кўзга ташланади. Бошқача айтганда, илм-фан тараққиёти шахарсозлик, меъморчилик, хунармандчилик, маданият тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатган. Бу даврда Афросиёбининг марказий қисми, Бухоро ариқ, Чор Бақр, Насаф қалъаси, Ахсиқентнинг ҳукмдорлар қароргоҳи, Термизда Султон Саодат, Қирқ қиз қўрғонлари, Пойкент, Дабусия шаҳарларининг шахристонлари, Шошкентнинг Минг ўрик шахарчаси, Гурганж шаҳри, Хива, Ичон қалъаси каби маъмурий марказлар қад ростлади. Шунингдек, Бухородаги Сомониёлар мақбраси, Калон, Вобкент, Жарқўрғон миноралари, Самарқанддаги Араб ота мақбраси, Работи Малик қарвонсаройи, Дегагон масжиди, Хивадаги Жума масжид, Гурганждаги Эл-Арслон, Оловуддин Таки мақбаралари шу даврда бунёд этилди. Ушбу маҳобатли, муҳташам, юксак иншоотлар, шахарлар ўша давр меъморчилигининг юксак намуналарига айланган. Бундай иншоотларни, шахарларни қуриш ўз-ўзидан бўлмаган. Меъморларнинг математика, физика, геометрия, геодезия, кимё каби фанларни мукаммал билганликларидалат берди. Бошқача айтганда, шахарлар, маҳобатли иншоотлар, иморатлар қуриш, тараққиётни юксалтириш илм-фаннинг ўша даврдаги амалий ифодаси эди. Табиийки, бу шахарларни, иншоотларни, четдан келиб биров қуриб бермаган. Айна шу ерда яшаган, бу шахарлардаги мадрасаларда таълим олган меъморлар, муҳандислар барпо этганлар. Бугунги кунда ҳам асл ҳолида сақланаётган ва дунё маданий меросининг ноёб ёдгорликлари сифатида эъзозланаётган бу иншоотларнинг лойиҳалари илмий йўналишда, мадрасалар таълими асосида яратилган. Мадрасалар Шарқнинг энг олий ўқув масканлари сифатида қадрланган. Барча ҳукмдорлар мадрасалар барпо этишга алоҳида эътибор берганлар.

булиши, тахайюлот олами юксалиши зарур эди. Аждодларимиз 4,5-5 минг йиллар илгари ана шундай даражага эришганлар. Бунга юртимиз ҳудудларида сақланиб қолган кўплаб тарих излари — юқорида айтганимиз қўрғонлар, қалъалар, шахарчалар айроналари, ўша давр маданиятларига оид ноёб ёдгорликлар, ашёлар, қорларга, тошларга битилган суратлар яққол гувоҳлик беради. Ўзбекистон Давлат тарих музейи залларидаги миллоддан олдинги 5-6 минг йилликлар ораллида яратилган қўза, эраимиздан аввалги 3-3,5 минг йилликларга оид сақланган бронзалардан ясалган қозони, 4,5-5 минг йиллик тарихга эга лашкарлар дубулғаси, кўплаб муҳрлар, тамгалар, терракота ҳайкалчапар аждодларимиз ақлидрои қай даражада юксаклигини кўрсатади. Буларни, табиийки, юксак илм-маърифатли одамлар яратишлари, ишлаб чиқаришлари мумкин эди. Уша давр тараққиёти аждодларимиз юксак тафаккур даражаси ёзма манбаларда ҳам аксини ётган. Бу, аввало, дунё илм-фани, адабиётининг илк намунаси “Авесто” асари саҳифаларида кўзга ташланади. Маълумки, бу асарнинг дастлабки қисмлари миллоддан олдинги 2-3 минг йилликлар ораллида яратилган. Унга кейинчалик миллодий эра бошларида сосоний ҳукмдорлар талаби билан қайтадан ишлов берилган. Воқеаларни Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон заминидан Эронга кўчиришга интилганлар. Лекин воқеалар тизими Урта Осиё билан Хоразм билан боғланиб қолаверган. Ана шу асарнинг энг қадимий даврларда яратилган яштларида(асар қисмларида) одамларнинг, аниқроғи, аждодларимизнинг дастлаб қаерларда варалар, шахарчалар, қалъалар, яшаш жойлари барпо этганлари, давлатчилик асосларини қандай шаклда яратганлари, уларни бошқариш жараёнилари, ер, сув, оловдан фойдаланиши, каналлар қазииш, ерга ишлов бериш, деҳқончилик қилиш, чорвачиликни кўпайтириш, табиатга, ер, сув ва бошқа мавжудотларга зарар етказганларни жазолаш хусусидаги маълумотлар ўрин олган. Бошқача айтганда асарда диний таълимотдан ташқари табиат, гигиена, табобат, кимё, меъморлик, муҳандислик, математика, механика, ботаника, астрономия каби дунёвий илмларга ҳам алоҳида ўрин берилган. Зардуштийлик ибодатхоналарида ана шу илмларни, фанларни ўрганмиш мажбурий ҳисобланган.

Илм-фан, маърифат, Урта Осиёда миллоддан олдинги даврларда ана шундай юксак даражада ривожланган. Бу тарихий ҳақиқат бошқа маълумотлар билан ҳам исботланган. XX асрнинг 50-йилларида археологлар қадимги Хоразм маданиятига мансуб бўлган, эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси худудида Қизилкум этакларида ярим айроно ҳолда кўмилиб ётган Кўйқирилган қалъа деб аталган айлана шаклдаги тарихий қалъа айроналари остичи ўргандилар. Қалъанинг пастки ер ости қисмида миллоддан олдинги VI-V асрларга оид дунёдаги илк расадхона, обсерватория қолдиқларига дуч келганлар. Бу расадхона қадимшунослар маълумотларига кўра Хоразмда зардуштийларнинг йил, ой, кунларни ўлчаш, қуёш, ой, юлдузларнинг чиқиши, ботиш вақтларини аниқлаш, самодани ва ердаги ўзгаришлар сирини билиш, фаслларни белгилаш, сув келиши, экинлар экилиши, ҳосилларни йиғиб олиш, Наврўз, Меҳржон ва бошқа байрамларнинг қайси вақтларда нишонланишини аниқ кўрсатиш учун хизмат қилган. Расадхонада ўз даврининг юзлаб юлдузшунослари — ахтарвенкилари фаолият кўрсатган. Расадхона яқинида мунажжимлар мактабида ёшларга таълим берилган. Илк қуёш соати, ой соати, устурлоблар мана шу ерда ясалган.

Булардан ташқари, дунё қадимшунослари Урта Осиё худудларидан эрадан аввалги минг йилликларга оид муғ, сўғд, хоразм, бақтр, будда ёзувларининг намуналарини топдилар. Бу ёзувларда давлатлар, ҳукмдорлар, улар қўл остидаги инсонлар фаолиятлари ҳақида сўз юритилган. Демак, бу ўлкаларда илм-маърифат юксак бўлган. Шу ўринда яна бир маълумот алоҳида эътиборни жалб қилади. Маълумки, Турон заминда яшаган халқлар орасида миллоддан олдинги II мингинчи йилликлардан миллодий I мингинчи йилликлар охирига қадар кўп динлилик мавжуд бўлган. Бу даврда ушбу ўлкаларда қуёшга сийғувчилар, оловни улуғловчилар, зардуштийлар, мо-

нийлар, маздакийлар, буддавийлар ва яна бошқа кўплаб динлар вакиллари яшашган. Одатда бир ҳудуддаги, бир макондаги халқларнинг турли диний табақаларга бўлиниши, ҳар қайсида алоҳида эътиқодда яшашлари тарихда камдан-кам учрайди. Лекин мантиқан олиб қаралса, ҳар бир диннинг, таълимот, назариянинг вужудга келиши бу ниҳоятда юксак илм-маърифат, тараққиёт натижаси ҳисобланади. Хоҳ дунёвий, хоҳ диний жаҳада бўлсин янгилик, ўзгариш илм-фан юксалиган жойда юзга келади. Уша даврларда Урта Осиё халқлари орасида турли диний конфессияларга эътиқод қилиниши юзага келиши ва шунга қарамай улар ўзаро ахилликда, ҳамкорликда яшашлари ҳам ана шу маърифий юксалик натижаси эди.

Айни ўша даврларда бу ерларда яшаган халқлар орасида “Алпомиш”, “Гўрўгли”, “Дада Қурқурт”, “Манас”, “Қиз Жибек” сингари юксак озғами ижод намуналарининг яратилиши ҳам бевосита маърифий тараққиёт билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Хоразмдаги Тупроққалъа, Жонбосқалъа, Фарғонадаги Қува, Ахсиқент, Сурхондарёдаги Далваэрзинтепа, Холчаён, Қашқадарёдаги Ерқўрғон ёдгорликларида тош, лой ҳайкаллар, Бухородаги Варахша, Бойкент, Сурхондарёдаги Болаликтепа, Фаёзтепа, Хоразмдаги Аёзқалъа, Қизилқалъа, Акчақонқалъа, Самарқанддаги Афросиёб, Кўктепа, Тошкентдаги Мингўрик, Қанқа, Фанокент шахар обидаларида гўзал қилиб ишланган деворий суратлар юксак маданият намуналари эди. Миллоддан олдинги 3-2 мингинчи йиллар ораллида Самарқандда Қарнаб, Тошкентда Илок, Ангрен, Қашқадарёда Китоб, Яккабоғ, Сурхондарёда Ҳисор қонларида илк марта рудалар қазиб олиниб, эритилиб ҳосил бўлган металлларнинг инсонлар ҳаётини эҳтиёжларида ишлатила бошланиши асосида ҳам беқиёс илм-маърифат ётар эди.

Юқорида келтирилган маълумотларнинг барчаси Марказий Осиёда миллоддан олдинги минг йилликлардан бошлаб то янги эранинг VIII асрига қадар илм-маърифат, санъат, маънавият, маданият ниҳоятда юксак даражада бўлганлигини кўрсатади. Илм-фан ривожланган, маданият юксалиган, давлат тараққиёти этган юрда моддий ва маънавий бойликлар ҳам кўп бўлган. Шунинг учун хоржий ҳукмдорлар, босқинчилар бу ўлкаларни, давлатларни босиб олишга интилганлар. Аҳамониёлар, ионун-македонлар босқинлари, хитойликларнинг юршиллари юртимиз бойликларига эга бўлиш йўлидаги интилишлар эди.

Миллодий эранинг VIII асри бошларидаги араблар босқини Урта Осиё халқлари, юмладан, мамлакатимиз аҳолиси учун оғир келди. Араблар аҳамониёлар, ионун-македонлар сингари юртимизни босиб олиш, унинг бойликларини талаш, заминимизга эгалик қилиш билангина чекланиб қолмадилар. Улар бу халқларнинг минглаб йиллар давомида шаклланган ҳаёт тарзини, анъаналарини, эътиқодларини ўзгартиришга киришдилар. Онгини эгаллашга интилдилар. Лекин бу осон жараён эмасди. Улар бу борада халқимизнинг юксак даражадаги илм-маърифати, маданияти, маънавияти, санъати, ақл-идроқи, эътиқод қаршилигига дуч келдилар. Бу қаршилигини энгиш учун улар маърифатли, улуғ инсонларни йўқ қилишга киришдилар. Шу сабабли Абу Райхон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида “Қутайба Хоразм хатини яхши билмадиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган, билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун Хоразмда хабар ва ривоятлар, яъни афсоналар ва илм-фан янгиликлари ислом давридан кейин ҳақиқатини билб бўлмайдиган даражада яширин қолди», деб ёзган эди. Улуғ алломанинг бу гапи нафақат Хоразм учун, ўша даврдаги Урта Осиёда яшаган барча ўлкалар ва халқлар тақдирини учун ҳос эди. Тўғри, буюк мутафаккир ёзганидек, араблар босқини натижасида Урта Осиё халқларининг қадимий ёзувлари, яратган асарлари, илмий бойликлари, тарихи йўқ қилинди, диний эътиқодлари ўзгартирилди. Улар ҳаётига янги ёзув, янги дин кириб келди. Лекин араблар бу халқларнинг дилидан илм-маърифатга бўлган интилиши, олам сирларини англаш, билиш йўлидаги иштиёқни, дунёвий фанларни тадқиқ этиш бора-сидаги қизиқишини, бир сўз билан айтганда,

маърифатпарварликни, қалбларидаги юксак иқтидорни, минглаб йиллар давомида шаклланган илмий қудратни йўқ қила олмадилар. Бу маърифатпарварлик, илм-фан соҳасидаги юксалик Урта Осиё халқлари ҳаётига янги тил — араб тили кириб келганидан кейин янада кенроқ миқёсда намоён бўлди. Бу тил хуросонлик, мовароуннаҳрлик, хоразмлик илм-маърифат ахларига бошқа халқлар билан ҳамкорлик қилиш, бошқа ўлкаларда яшовчи алломалар билан илмий алоқалар ўрнатиш, ўз илмий кашфиётларини дунёга таълим учун янги имкониятлар ҳам ярати берди. Умумлаштириб айтганда бўлса, ўрта осиеликларнинг азал-азалдан шаклланган илм-маърифати, фандаги ютуқлари, илмий иқтидори араб тили воситасида дунёга маълум бўлди. Шу билан бирга бу ҳодиса араб дунёсида, мусулмон оламида юксак илм-маърифатни, фан тараққиётини ҳам бошлаб берди. Бошқача айтганда, араб тили ўрта осиелик алломаларнинг, халқларнинг илм-маърифати орқали бадавийлар тилидан илм-маърифат тилига айланди. Буларнинг бари ислом дунёсида, араб тили тарқалган ўлкаларда IX асрдаёқ илк илм даргоҳлари, марказлари, мадрасалари пайдо бўлишига асос бўлди. Араблар эгаллаган худудларда IX-X асрларда дунёвий фанларни раванк топтирган, буюк кашфиётлар яратган улуғ алломалар айна Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон ўлкаларидан етишиб чиқишига замин тайёрлади. Худди шу даврда ислом динининг илмий асослари, қондалари, қонунлари айна ўрта осиелик мутафаккирлар, муҳаддислар, мутакаллимлар, фақиҳлар томонидан ярати берилди. Буларнинг асосида ўрта осиеликларнинг VII-VIII асрчага шаклланган юксак маърифати, илм-фан соҳасида эришган ютуқлари ётар эди.

Маълумки, баъзи илмий асарларда Шарқ ва Ғарбнинг тарихида илм-маърифат ва фан тараққиётига тугган ўрнига баҳо беришда Ғарб илм-маърифати улуғланган, Шарқнинг бу борадаги буюк хизматлари эътибордан четда қоларди. Маърифатпарварлик борасида мактаблар, университетлар, илмий марказлар ташкил қилишда, илмий янгиликлар, турли фанларда кашфиётлар яратишда Ғарб Шарққа нисбатан устозлик қилган деган маълумотлар ўртага ташланар эди. Бугун дунё миқёсида ҳаётга қарашлар ўзгарди, тарихга ҳаққоний, холис баҳо берила бошланди. Натижада илм-маърифат, фан соҳасида ҳам Шарқ Ғарбга нисбатан етакчи бўлганлиги, маърифий юксалиш айна Шарқдан бошланганлиги тарихий ҳақиқат сифатида исботланди. Бунинг айна исботи Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистон илм-фани, маърифати тарихи асосида ҳам кўзга ташланади. Олис тарихни кўятурайлик, нисбатан яқин — ўрта асрлар тарихига назар ташлайлик. Эътибор беринг: ғарб давлатларидаги юқорида номларини келтирганимиз энг қадимий университетлар ташкил қилинганнинг 600-700 йиллик тўйлари ўтказилаётган бир пайтда жаҳон жамоатчилиги халқаро ташкилотлар билан биргаликда улуғ аждодларимиз Мухаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Абу Мансур Мотурудий, Бурхониддин Марғинони, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Исо ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий каби алломалар таваллудининг 1100-1200 йиллик анжуманларини, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллик байрамини нишонлаган эди. Мана шунинг ўзи ҳам Ўзбекистон мисолида Шарқнинг илм-фан соҳасида етакчилик қилганини кўрсатади.

Тарихда воқеалар нуқтилиши, инсоният бошидан ўтказган ҳодисалар чалқаш ҳолда талқин қилиниши, уларга баҳо беришда бирёқламалиқлар юзага келиши мумкин. Бундай ҳолат халқимизнинг тарихига нисбатан муносабатларда ҳам кўзга ташланади. Лекин ҳаёт ҳамма нарсага — чалқашликлар, хатоларга барҳам беради, унутилган тарихларни тиклайди. Бугунги кунда ана шундай жараёнга гувоҳ бўлиб турибмиз. Олис аждодларимизнинг энг қадимий даврларда ҳам илм-маърифатда, маданият ва маънавият соҳаларида етакчи бўлганликлари, бу анъаналарни кейинчалик буюк боболаримиз давом эттирганликлари, оталаримиз фаолиятида ҳам маърифатпарварлик гоялари асосий ўрин тутганлиги, эндиликда эса бугунги авлод қалбида ҳам ана шу улуғ мақсадлар амалга ошаётганлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Биз бугун ҳақиқи равишда мамлакатимизни илм-маърифатга бешик бўлган ва бу анъаналарни муваффақиятли равишда давом эттираётган юрт деб айта оламиз. Мадрасачилик тарихимиз эса юртимиз илм-маърифатида мумин бир босқич бўлиб қолди. Европа мамлакатларидаги университетларнинг 700-800 йиллик тўйлари ўтказилгани каби вақти келиб Шарқ, хусусан, Ўзбекистондаги мадрасаларнинг 1100-1200 йиллик тўйлари нишонлansa, уларнинг жаҳон илм-фани тарихига қўшган хиссаларига муносиб баҳо берилса ажаб эмас.

Имиллар ўтаверди, ҳаёт давом этди. Халқимиз асрлар оша юртимиз қадимда дунё илм-фани бешикларидан бири бўлганлигини, аждодларимиз илми маърифатда буюк кашфиётлар яратганликларини, бугунги авлодлар ҳам аждодларга муносиб ворислар сифатида уларнинг энг яхши анъаналарини, улуғвор ишларини давом эттираётганликларини намоён қилиб бораверади.

Қамол МАТЁҚУБОВ  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

### Биз ва дунё

# У КЎП СОҲАДА БИРИНЧИ ЭДИ

Америкалик дипломат ва журналист Юджин Скайлер Урта Осиёга ташриф буюрган биринчи америкалик дипломат, Тургенев ва Толстойнинг биринчи таржимони, ўзи таълим олган университетнинг илк докторларидан ва АҚШнинг Руминия, Сербия, Грециядаги дастлабки элчиси эди. Унинг асарларида бизнинг юртимиз ва шаҳарларимиз ҳаёти алоҳида из қолдирган.



Унинг асарларида бизнинг юртимиз ва шаҳарларимиз ҳаёти алоҳида из қолдирган.

Юджин Скайлер 1840 йил 24 февралда Нью-Йорк штатидаги Итака шаҳрида туғилган. Унинг ота-онаси асли голландиялик бўлиб, отаси дорихонада ишлар, онаси мамлакатда таниқли ношир Чарльз Скрандлер авлодларидан эди. У 15 ёшида Йельс коллежига кириди, кейин университетни тугатди. У кўп китоб ўқир, шунданми, келажакда юрист эмас, қаламкашлиқда кўпроқ шухрат қозонди. “The Nateli” (Миллат) журнали билан ижодий алоқада бўлди ва бу юмушини умрининг охиригача давом эттирди. Юджин 23 ёшда эканида шахар гаванида узоқ вақт Россиянинг “Невский” эскадрони тўхтаб қолди. У кемага борди, одамлар билан гаплашди, рус тилига қизиқиб қолди ва уни тезда мукаммал ўрганиб олди. Тилни билиш даражаси Тургеневнинг “Оталар ва болалар” романини инглизчага таржима қилиш имконига эди. Бу таржима 1867 йилда китоб бўлиб чиқди ва ўқувчилар орасида муҳокамаларга сабаб бўлди. Кейин фин тилини ўрганди, миллий эпос — “Калевила”нинг нашрига муҳаррирлик қилди. Юджин хаёллари чексиз йиғилтардан, “Қирлар ортида, булутлардан нарида нима бор?” деб қизиқувчилар тоифасида эди. Шунинг учун дунё кезишни истарди. 1864 йилда давлат департаментига дипломатик ишга ўтинг истаги босқинлиги маълум қилиб, ариза топширди. Унинг муружаати 3 йил давомида кўриб чиқилди ва Москвага боришга рухсат теғди.

Шундай қилиб, салом, кўҳна китъа! Баден-Баден шаҳрида сафарда юрган Тургенев билан учрашди, унга ўзи таржима қилган романини совға қилди. Бу ёзувчиға маъқул тушди ва Юджин Скарлетта Толстой, Одоевский, Тютчев ҳақида сўзлаб, уларга хатлар ёзиб берди. “Бу зейллар маърифатли америкаликни, айниқса, рус романининг таржимонини қандай кутиб олишини кўрсан!” деди ишонч билан Николай Сергеевич. Ҳақиқатан, “Уруш ва тинчлик”ни ёзиб тугатиб, “юқдан қутилган” Лев Толстой меҳмонни хуш кайфият билан кутиб олди, Ясная Полянада бир ҳафта меҳмон қилди. Улуғ ёзувчи америкаликлар ҳаёти, айниқса, таълим тизими билан атрофича қизиққан, уларнинг алифбосини кўчириб олган. Юджин муҳтарам ёзувчидан “Казаклар” ва “Севастополь ҳикоялари” асарларини таржима қилишга рухсат олади. “Нью-Йорк таймс” газетасида ҳали океан орти учун анча сирли бўлган рус ҳаёти, одамлари ҳақида репортажлар эълон қилди, биринчи бўлиб “Уруш ва тинчлик” эпопеясида хабар бериб, у билан таништирди.

Ю.Скайлер хизмат сафари билан 1868 йил илк марта бир савдогар қармоқчилигида Урта Осиёга ташриф буюрди. Волга дарёсида параходда Самарагача келиб, ундан Оренбургга, Урол тоғлари орқали Қозғонистон ва Қирғизистонга келади. Қўрғанларини муфассал қайд этиб, хизмат маълумотлари тайёрлаб боради. Бу пайтда Россия Урта Осиёга ўз босқинчилик юршиллари бошлаган, Бухоро амирлигини эгаллаб, Самарқанд сари ҳаракат бошлаганди.

Россияга тайинланган янги элчи Эндрю Кёртин бу мамлакат ҳақида ҳам маълумотга эга эди, у Ю.Скайлернинг шарҳлари ўзига ёққанлигини маълум қилади. Шу сабаб бўладими, 1873 йилда Россиянинг ўз янги мулклари билан таништиришга мўлжалланган обрўли хоржий меҳмонлар сафида Юджин Скайлер ҳам бор эди. Сафар давомида Скайлер шу йил 23 март куни Саратовда “Нью-Йорк Геральд” газетаси муҳбири Януарий Мак-Ғахан билан учрашди. Мак-Ғахан Хивага йўл олади, Скайлер эса Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Қўқон йўналиши бўйлаб кетади. Бу сафар 8 ой давом этади, сайёҳ шундан кейин Сибирь ва Урол тоғи орқали Санкт-Петербургга қайтади.

Юджин Скайлер қўрғанлари асосида турли нашрларга шарҳлар эълон қилади. Уларни “Туркистон. Самарқанд, Бухоро, Қўқонга сафар” тўпламида нашр эттирди. Асосийси — 1874 йилда АҚШ Давлат департаментига Туркистондаги ахвол ҳақидаги доклады бўлди. Унда генерал фон Кауфман томонидан “татарлар” — умуман, маҳаллий аҳолига шафқатсизларча муносабатда бўлгани қораланган эди. Бу чиқиш халқаро доираларда катта шов-шувга сабаб бўлади. Ҳатто Россия ҳукумати эътироз билдириб, АҚШнинг қора танлиларга инсоний муносабат ўрнатиш муҳимлигини писанда қилади.

Ю.Скайлер миссиясини Туркия, Руминия, Сербия, Грецияда давом эттирди, АҚШга қайтиб, маърузалар ўқиди. Кейин Италияга қайтиб келиб, фаолиятини давом эттираётганда, безгакка чалиниб, 1890 йилда Венецияда вафот этди.

Юджин Скайлер XIX асрдаги юртимиз ҳаётини ўз кўзи билан кўрган ва уни ҳужжатлар асосида баъдий акс эттирган санокли ижодкорлардан бири. Унинг 2 жилдан иборат “Туркистон” асари дунё юзини кўрган, кўплаб тилларга таржима қилинган. Бу китоб русча нашрдан таржима қилиниб, ўзбек тилида ҳам чоп этилди.

Ғарчи муаллиф русларнинг Урта Осиёга киришини умуман ижобий баҳолаган бўлса-да (қандай кучлар таъсир этгани маъқул), унда ўтимишимизга доир қимматли маълумотлар жой олгани шубҳасиз. Шунинг учун Ю.Скайлернинг бу икки китобини оригиналдан ўғриб, зарур изоҳлар билан нашр этиш лозим. Негаки, “Агар тарихга даҳлдор бўлса, отнинг тақаси ҳам қимматли” деганларидек, биз учун унинг хотиралари жуда ҳам қадрлидир.

Қамол МАТЁҚУБОВ  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

# “ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ” –

**Адолат шарҳи**

# жаҳон маданияти тарихида муҳим ҳужжат

2022 йил 9 июнь Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг тарихида шубҳасиз истиқболли келишув куни сифатида муҳрланди. Таъкидлаш жоиз, ШХТ фаолиятининг устувор йўналишларидан бири – маданият соҳасидаги кенг қўламли ҳамкорликдир. Шу бунёдда ташкилотнинг асосий ҳужжатида ҳамкорликка аъзо давлатларнинг ўзаро маданият қўламли нишонлаш, бадний жамоалар ва санъат арбобларининг ижодини тарғиб этиш, талаба ва профессор-ўқитувчилар тажриба алмашинуви, ўқув марказларини ташкил этиш билан боғлиқ мақсад ва вазифалар аниқ белгиланган.

Шунга қўра, Ўзбекистон 2022 йилда ШХТга раислик қилувчи мамлакат сифатида ташкилотга аъзо давлатлар мусиқий олий таълим муассасалари раҳбарларининг I-Халқаро форумини ўтказиш ташаббуси билан чиқди ва мазкур анжуманни юқори савияда ташкил этди.

Анжуманга Москва давлат консерваторияси ректори А.Соколов, Қозоғистон миллий санъат университети ректори А.Мусахаджаева, Санкт-Петербург давлат консерваторияси ректори А.Васильев, Беларусь давлат мусиқа академияси ректори Е.Куракина, Қирғизистон давлат консерваторияси ректори М.Бегалиев, Тожикистон давлат консерваторияси ректори М.Дўстизода, Техрон консерваторияси президенти Бехзод Моафи, Озарбайжон миллий консерваторияси ректори Сиявуш Керем, Қозоғистон миллий консерваторияси ректори А.Жудебаев ташириф буюрди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори К.Уринбоев, Б.Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти ректори А.Мансуров, Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ректори О.Назарбеков иштирок этди.

Юқори мартабали меҳмонлар иштирокида ўтган форум ишининг асосий қисмида мусиқий олий таълим муассасалари ўртасидаги илмий-ижодий ҳамкорликнинг муҳим қирралари муҳокама предметига айланди. Дарҳақиқат, яқин йиллар ичида Ўзбекистоннинг санъаткор ёшлари ҳамда илмий кадрлари жаҳон майдонида юқори погоналарни эгаллади. Шу сабабли юртимизда мусиқа санъати йўналишидаги таълим тизими ва яратилаётган имкониятлар форум катнашчилари эътиборини тортди. Пировардида, Ўзбекистон билан таълим соҳасида ҳамкорликка киришиш ниятини билдирган олий таълим муассасалари доираси кенгайди.

Бугунги кунда жаҳон сахналарида халқаро

даражадаги нуфузли танлов ва фестивалларнинг профессионал талаби ошиб бормоқда. Шунга қўра, санъаткорларнинг янги авлодини тарбиялашда ижрочилик маҳоратининг баддийлик даражасини янада ўстириш зарурати туғилди. Мусиқа ижрочилиги аъёнларини таҳлил этиш, замонавий омилларни аниқлаш ва янги истиқбол вазифаларини белгилаб олиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Музокаралар чоғида мусиқий олий таълим муассасалари раҳбарларининг билдирган фикрлари мувофиқлаштирилиб, жамланган ҳолда Тошкент декларацияси имзоланди. Декларацияда мусиқа муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришнинг янги йўллари излаш, мусиқа санъати соҳасидаги ютуқларни кўпайтириш ва янги мазмун билан тўлдирishга қодир юқори профессионал кадрлар тайёрлаш орқали ечим топиш алоҳида белгилаб қўйилди. Шунга қўра, ҳужжатда қуйидаги учта асосий соҳага урғу берилди:

**ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК:**

- таълим дастурларини ривожлантириш ва амалга оширишни таъминлаш;
- ахборот ресурслари, шунингдек, аудио ва видео кутубхоналарига очиқ кириш имкониятига эга ягона ресурслар-электрон тизимини яратиш;
- замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида таълим тизимини такомиллаштириш, ўқув-услубий адабиётлар яратиш бўйича ўзаро ҳамкорлик;
- маърузалар, маслаҳатлар, маҳорат дарслари ва давра суҳбатлари орқали иштиросликни такомиллаштириш мақсадида ўқитувчилар ва мутахассислар алмашинуви;
- стажировка сертификатлари ва тегишли малакани таъдиқловчи бошқа ҳужжатларни ўзаро тан олиш механизмларини ишлаб чиқиш.

**ИЛМ-ФАН СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК:**

- ўзаро манфаатли ҳамкорликдаги илмий, педагогик тадқиқотларни тайёрлаш ва ўтказиш;
- докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилишга етакчи олимларни доимий асосда эксперт ва Ихтисослаштирилган кенгаши аъзоси сифатида жалб этиш;
- илмий-тадқиқот ишлари ва илмий тадқиқот натижалари бўйича наشرлар, маълумотлар алмашиш;
- форум иштирокчиси бўлган мамлакатларнинг мутахассислари томонидан илмий тадқиқотларнинг юқори иқтибос индексига (импакт-фактор) эга бўлган илмий-назарий журналларда наشر қилиш учун устувор шарт-шароитлар яратиш;
- илмий журнал ва тўпламлар таҳририятларида етакчи олим ва ўқитувчиларнинг иштирокини таъминлаш;
- бошқа давлатларда ўз билимини ошириш истагини билдирган ёш мутахассислар алмашинуви;
- профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, талабаларнинг конгресс, симпозиум ва семинарларда иштирокини таъминлаш.

**ИЖОДИЙ ВА МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК:**

- мусиқа кўрсаткиш ва мусиқий фестивалларни ўтказиш, олий таълим муассасалари жамоалари ва яққохонларининг гастроллари амалга ошириш, мусиқий асарларни саҳналаштириш, делегациялар алмашинуви, танлов ва концертларни ташкил этиш;
- ШХТга аъзо мамлакатларнинг ёшларидан бирлашган талабалар симфоник оркестрини ташкил этиб, Самарқанд шаҳрида давлат раҳбарлари Кенгаши саммити доирасида бўлиб ўтадиган тантанали тадбирларда иштирокини таъминлаш (сентябрь, 2022 йил).

Бир сўз билан айтганда, “Тошкент декларацияси” ШХТга аъзо мамлакатларнинг маданий-гуманитар ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

**Ташаббус**

# Китобдан яхши дўст бўлмас...

Бугуннинг ёшлари бўлакча, шижоаткор. Ёниб яшасам, дейди. Янги-янги ташаббуслар билан чиқишади. Наманган давлат университетида ҳам ана шундай ёшлар кўп рақиб топилади.

Яқинда ўқув даргоҳининг ижтимоий факультети тарих йўналиши талабалари бадий адабиётларнинг аҳамияти, китобхонлик борасида гурунлашиб қолди. Шунда улардан бири – “Адолат” СДП аъзоси, “Ёш адолатчи” Мақсудбек Акрамжонов шундай ташаббусни илгари сурди:

– Китобхонликни ривожлантириш, тенгдошларимиз орасида китоб ўқишга бўлган иштиёқни кучайтириш, адабиётга муҳаббат уйғотишни кенг тарғиб қилувчи жамоага бирлашсак нима дейсизлар? Унинг фикрини тезда курсдошлари Яҳёбек Турсунбоев, Жаъфар Раҳмонжонов қўллаб-қувватлаб, ўз ғояларини билдиришди. Шу заминда “Миллат келажаклари” жамоасига 20 нафар талаба бирлашди. Кўнгиллилар имкониятлари даражасида тарғибот учун маблағ ажратиб, жамғарма ҳам ташкил этдилар.

Жамоа ишни дастлаб телеграм каналда “Энг яхши китобхон” танловини ўтказишдан бошлади. Ҳар ҳафта ташкил этиладиган ушбу танловда ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдона китоблари юзасидан викторина саволлари эълон қилиниб борилмоқда. Ҳалилар онлайн тарзда аниқлашиб, республиканинг қайси худудидан бўлмасин, совғалар юборилмоқда. Совға эса энг нодир китоблардан бўлади, албатта. Айни вақтда Озодбек Исмолов, Абдуқодир Тошпўлатов, Рафиқа Ҳамроева, Фарзона Турсуналиева, Али Равшанов, Отабек Тўланбоев каби ёшлар ғолибликни қўлга киритишди. Мукофот китоблари Фаргона,

Тошкент шаҳарларига етиб борди.

Жамоа аъзолари яна бир таҳсинга лойиқ ташаббус билан чиқдилар. Бу “Йўл бўйидаги кутубхона” лойиҳаси бўлди. Унга қўра жамоа жамғармаси ҳисобидан университетга элтувчи йўлакда мўъжазгина китоб жавони қурилди. Жапонга бошланишига 150 донадан ортқ сара китоблар жойлаштирилди. Лойиҳанинг аҳамияти шундан иборатки, жавондан ҳар ким хоҳлаган китобини олиши, ўқиб бўлгач, жойига келтириб қўйиши мумкин. Шунингдек, истаган киши имкони даражасида жавонга китоб тақдим этиши, истаганлари ўзи белгиланган баҳода китоб сотиб олиш имконияти ҳам мавжуд. Яъни, 10 минг сўмлик китобни мижоз 50 минг сўмга олса бўлади. Ёни аксинча.

– Биз жамоамиз билан эзгу ишга қўл урдик, – дейди жамоа фаоли Арофатбону Муллажонов. – Агар сазъ-ҳаракатимиз билан юрдошимиз, тенгдошимиз ўзини китобга ошно этса ва яқинларини ҳам китобхонликка жалб этса, бундан мамнун бўламиз.

Биз ёшларимиздан янада юксак ташаббусларни кутиб қоламиз. Зеро, китоб инсоннинг энг яқин дўстидир. Унга ошно этиш йўлида босилаётган қадамлар ҳам таҳсинга сазовор. Ишонимизки, уларнинг сафи ортиб бораверади.

**Мирзаархат ОЛИМОВ,**  
“Адолат” СДП Наманган шаҳар кенгаши раиси

**Ана шунақа гаплар**

# Журналистлар ўрнини... роботлар эгаллайди

Бунга жуда оз қолди



2017 йили Оксфорд университети олимлари 2040 йилга бориб АҚШда ҳар иккинчи иш ўрни автоматлаштирилган бўлишини, 47 фоиз ишчилар машиналар билан алмаштирилишини башорат қилганди. Хитойда бу кўрсаткич 77 фоизни ташкил қилади.

2024 йилга келиб робот чет тили матнини инсонга нисбатан яхшироқ таржима қила олади;  
2026 йилдан эссе ёзади;  
2027 йилдан юк машинасини бошқара олади;  
2049 йилдан бестселлер асарлар яратди;

2053 йилдан жарроҳ бўлиб ишлайди;  
2060 йилга бориб эса ҳар қандай вазифани бажаради.  
2020 йилда Microsoft ўзининг Microsoft Newsдаги ходимларини сунъий интеллектга алмаштирди.

Робот-журналистлар томонидан ёзилган трендлар таҳлили ва савдо маълумотларига доир мақолаларни айни пайтда Associated Press, Forbes, Bloomberg каби йирик нашрларда топши мумкин.  
Жанубий Корея телевидениеси жонли эфирда ҳақиқий бошловчининг аватарлари пайдо бўлди. Телеканал вакилининг сўзларига қўра, роботлар шошилиқ янгиликларни ёритиш учун мос келади, уларни куннинг исталган вақтида ишга жалб этиш мумкин.

2021 йилда РБК телерадиокомпаниясида молиявий бозор янгиликлари кўрсатуви пайдо бўлди, уни SberDevicesдан аватар Елена одамлар билан тенгма-тенг олиб боради.

# Устоз

**Ибрат**

Эроннинг чекка қишлоғидаги мактаб ўқитувчиси Али Муҳаммадиан баъзи ўқувчилари касаллик сабабли сочлари тўқилган синфдошини масҳара қилаётганини кўрибди. Ўқитувчи қулган болаларга танбеҳ бериб, жазолаш ўрнига ўз сочларини олдириб, касал ўқувчисини қўллашга қарор қилибди.

Устоз: «Ўқувчим Маҳан сочларидан айрилгач, дўстларидан узоқлашди ва доим хомуш юрадиган бўлиб қолди. Дарсларга ҳам қизиқиши камайди. Биргина истагим, унга яқин бўлиб, дарсларга эътиборини қайтариш эди», дейди.

Бундан таъсирланган синфдаги 23 нафар ўқувчи ҳам, қиш бўлишига қарамай, худди устози каби сочларини олдирибди...

Агар ўқитувчи идеалист бўлса, нураётган биноларни ҳам, сўнаётган қалбларни ҳам қутқара олади!



**ADOLAT**  
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:  
«Адолат» СДП  
Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ  
Наримон УМАРОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Гавҳар АЛИМОВА  
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА  
Қодир ЖўРАЕВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144); 71 288-42-12 (132); 71 288-42-12 (141) факс; 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Котибият — 71 288-42-14 (144);  
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);  
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;  
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъуъл котиб — Абдугани Соликов  
Навбатчи муҳаррир — Камол Матқубов

1995 йил 22 февралдан  
чиқиб бошлаган

info@adolatgz.uz  
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2019-5217

4 720 91 521 004 9

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қозғош бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 600

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

Адади – 1448  
Босишга топширилган вақти – 21.00  
Босишга топширилди – 21.00  
Баҳоси келишилган нархда  
Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уйи.